
ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ ЎЗ ЭГАЛАРИГА ЕТКАЗИБ БЕРИЛМОҚДА

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 26 августдаги “Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, Қўштепа туманида кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга кенг қўламли ижтимоий ёрдам кўрсатилмоқда.

Муҳтож оилалар болаларини қишки кийим-бош тўпламлари, мактаб формаси ва ўқув қуроллари билан таъминлаш мақсадида, жорий йилнинг сентябрь ойида “темир дафтар”га киритилган оилаларнинг 16 ёшга тўлмаган болаларига, боқувчисини йўқотганлик пенсияси ёки нафақасини олувчи оилаларнинг 16 ёшга тўлмаган болаларига, ногиронлиги бўлган болаларга бир марталик 500 минг сўмдан моддий ёрдам кўрсатиш белгиланган.

Туманимиздаги 4 та сектор штаблари "Темир дафтари"га киритилган оилаларнинг 16 ёшга тўлмаган ҳар бир фарзадлари учун 500 минг сўмдан бир марталик моддий ёрдам пуллари тарқатилмоқда.

2020-09-16 09:26:19